

“Тасдиқланган”  
Ўзбекистон Республикаси  
Давлат статистика қўмитаси  
томонидан  
12 ноябрь 2013 й.

**12-сон ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ**  
**ТЕМАТИК СТАТИСТИК ТЎПЛАМЛАР ВА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ**  
**МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

**1. Хизматнинг таърифи (паспорт)**

**1.1. Хизмат номи**

Тематик статистик тўпламлар ва ахборот-таҳлилий материалларни тақдим этиш.

**1.2. Хизмат натижалари**

Тематик статистик тўпламлар ва ахборот-таҳлилий материаллар олиш.

**1.3. Хизмат қўрсатиш органлари ва бланк олиш жойлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари.

**1.4. Ҳуқуқий асослар**

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистикаси тўғрисида”ги 441-II-сонли Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 8-сонли Қарори.

**1.5. Хизматдан фойдаланувчилар**

Манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар.

**1.6. Сўров бериш муддати**

Сўров бериш муддати ўрнатилмаган.

**1.7. Бажариш муддати**

Шартнома шартлари бўйича.

**1.8. Тасдиқ бериш муддати**

Ўрнатилмаган.

## **2. Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш**

### **2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми**

Ҳар бир мурожаат қилган юридик ёки жисмоний шахсга, танланган мавзуларига мувофик, йиллик статистик ишланмалар натижалари бўйича очик оммабоп статистик маълумотларни ўз ичига олган тўпламлар ва материалларнинг тақдим этилиши кафолатланади.

### **2.2. Кенг миқёсда хабардор қилиш**

Нашр этилаётган статистик тўпламлар ҳақидаги ахборот Давлат статистика қўмитасининг [www.stat.uz](http://www.stat.uz) расмий сайтининг чап тарафидаги “Нашрлар” бўлимидан жойлаштирилган.

### **2.3. Сўров бўйича хабардор қилиш**

Шахсан: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай савол юзасидан оғзаки маслаҳат (10 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Телефон орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай катта ҳажмдаги аниқ ахборот берилишини талаб қилмайдиган савол юзасидан оғзаки маслаҳат (5 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Факс орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача сўров бўйича ёзма ҳужжатларни (3 варакдан кўп бўлмаган) қабул қилиш ва узатиш.

Электрон почта орқали: ҳар қандай ёзма сўровларни кенг тарқалган матн форматларида (оддий матн, DOC, RTF, PDF форматларида бириктирилган файл) ёки келишилган бошқа форматларда кечаю кундуз қабул қилиш, соат 9-00 дан 18-00 гача оддий матн форматида, DOC, RTF, PDF форматидаги бириктирилган файл кўринишида ёки келишилган бошқа форматларда ёзма ҳужжатларни узатиш.

Давлат статистика қўмитаси расмий сайтига шахсий мурожаат – кечаю кундуз.

### **2.4. Хизмат кўрсатиши жойи ҳақида хабардор қилиши**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо-Уlugбек тумани, 100192, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63.

### **2.5. Фойдаланиладиган ҳужжат бланклари (шакллар)**

Ҳужжат бланкалари (шакллар) ишлатилмайди.

## **3. Хизмат кўрсатиши**

### **3.1. Иш вақти**

Иш тартиби: иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача.

### **3.2. Кутиш шартлари**

Шартнома шартлари бўйича.

## **4. Хизмат кўрсатиши тартиби**

### **4.1. Зарур ҳужжатлар**

Статистик тўпламлар ёки ахборот-тахлилий материалларни тақдим этиш учун шартнома.

## **4.2. Хизмат ҳақи**

Хизмат ҳақи ўрнатилган тарифларга мувофиқ шакллантирилади.

Хизмат учун тўлов Давлат статистика қўмитасининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## **4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари**

- 1) нашр этилаётган статистик тўпламлар билан танишиш;
- 2) статистика органларига статистик тўпламни ёки ахборот-таҳлилий материалларни олиш учун талабнома бериш;
- 3) статистик тўпламни ёки ахборот-таҳлилий материалларни тақдим этиш учун шартнома тузиш;
- 4) статистик тўплам ёки ахборот-таҳлилий материаллар қийматини тўлаш;
- 5) фойдаланувчи томонидан ахборотнинг олиниши.

## **4.4. Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар**

- 1) Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ статистика ахборотларини шакллантириш;
- 2) статистик тўпламларни шакллантириш;
- 3) Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтида ахборотларни жойлаштириш.

## **4.5. Рад этиш асослари**

Ўрнатилмаган.

## **5. Сифат таъминоти**

### **5.1. Сифат параметрлари**


Хизмат кўрсатиш сифати кўрсатиладиган хизматлар учун ўрнатилган тартибга тўлиқ жавоб беради.

### **5.2. Хизмат сифати устидан шикоят қилиш тартиби**

Статистика органларига белгиланган тартибда ёзма мурожаат қилиш ёки Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтидаги қарши алоқа шакли орқали шикоят билдириш мумкин.


### Давлат хизматини күрсатиш схемаси

#### Тематик статистик түпламлар ва ахборот-тахлилий материалларни такдим этиш



	Түғри түртбұрчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичіда ҳаракат номи көлтирилген.
	Доира (овал) – объектларни күрсатувчи элемент (бу ерда хизматни олиш натижасы). Элемент ичіда олинаётган хүжжат номи көлтирилген.
	Күрсаткіч – ҳаракатлар кетма-кетлигини күрсатувчи алоқа элементи.

**Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар таърифи**  
**Тематик статистик тўпламлар ва ахборот-таҳлилий материалларни**  
**тақдим этиш**



	Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичидаги номи келтирилган.
	Доира (овал) – обьектларни кўрсатувчи элемент (бу ерда хизматни олиш натижаси). Элемент ичидаги олингаётган хужжат номи келтирилган.
	Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.